

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОБИДОВ ДОНЁРБЕК ХОЛМАМАТ ЎҒЛИ**

**ТУКЛИ ТЎҚИМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХОМАШЁ  
НАМЛИГИНИ ТЎҚУВЧИЛИК ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ**

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва  
хомашёга дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Обидов Донёрбек Холмамат ўғли**

Тукли тўқималарни ишлаб чиқаришда хомашё намлигини тўқувчилик  
жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш..... 3

**Обидов Донёрбек Холмамат угли**

Исследование влияния влажности сырья на процесс ткачества при  
производстве ворсовых тканей..... 25

**Obidov Donyorbek Xolmamat ogli**

Study of the influence of raw material moisture on the weaving process in the  
production of pile fabrics..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published

works..... 50

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОБИДОВ ДОНЁРБЕК ХОЛМАМАТ ЎҒЛИ**

**ТУКЛИ ТЎҚИМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХОМАШЁ  
НАМЛИГИНИ ТЎҚУВЧИЛИК ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ**

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва  
хомашёга дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
рақам B2022.2.PhD/T1459 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, англис (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиева Дилбар Ганиевна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Холиқов Қурбонали Мадаминович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Улугбек Тулаббаевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Ётақчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация химияси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил "19" ноябрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти 3-бини, 2-қават, 313-хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (388-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022-йил «08» ноябрь кuni тарқатилди.  
(2022-йил «08» ноябрдаги № 84-рақамли реестр баённомаси).



**Р.М. Мурадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Х.Т. Бобожанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

**Қ.М. Холиқов**

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий даражалар берувчи  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари бозорига сифатли тўқима матоларини ишлаб чиқариш ва мазкур жараёнларни амалга оширишга янги технологияларни қўллашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хозирги кунда ривожланган мамлакатларда тўқимачилик саноати Шарқий ва Жанубий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европа минтақасидаги давлатларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Жаҳон миқёсида йилига 108.3 миллион кв.м.дан кўп турли хил тўқима матолари ишлаб чиқарилиб, бутун тўқимачилик бозорининг 4 % ини ташкил этади<sup>1</sup>. Мазкур соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, соҳадаги технологик жараёнларни такомиллаштириш, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳаллий тўқимачилик корхоналардаги технологик дастгоҳларни ишлаш самарадорлигини ошириш, инсон меҳнатини енгиллаштириш, сифатли тукли тўқималарни ишлаб чиқаришда тўқув дастгоҳидаги ип намлигини меъёрлаштириш, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибасида тўқималар турларини кўпайтириш, тўқимачилик дастгоҳларини ишлаш унимдорлигини ошириш, сифатли тўқималар ишлаб чиқариш ҳамда конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларидан кенг фойдаланиш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, дастгоҳнинг иш унумдорлигини ошириш, тўқув дастгоҳи механизмларини такомиллаштириш, тўқима тузилишига қўшимча элементлар киритиб, хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, тўқимачилик саноати олимлари ва мутахассислари олдида тукли тўқималарини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, ип газлама тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларидан самарали фойдаланиш ва маҳаллий хомашёдан рақобатбардош, истиқболли тукли тўқима матоларини ишлаб чиқариш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамиз тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, соҳада меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, янги тузилишдаги ва сифатли тўқимачилик маҳсулотларини олиш, тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган тўқима турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан кенг қамроқли чоратадбирлар амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармонида «...тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш,... саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш, ... саноат тармоқларида йўқотишларни

---

<sup>1</sup><https://data.world/imf/international-financial-statis>

камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш» вазифалари белгилаб берилган<sup>2</sup>. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, тукли тўқималарни ишлаб чиқариш жараёнида тўқув дастгоҳидаги танда ипларини намлашни самарали технологиясини яратиш, танда ипларини узилишлари сонини камайтириш, маҳсулот сифат кўрсаткичларини оширишга салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони, 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5989-сон Фармони, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сонли Қарори, 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4453-сонли Қарори, «Пахта - тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 25 ноябрдаги 53-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўқув дастгоҳларининг техник имкониятларини кенгайтириш, бажариладиган технологик жараёнларни янада яхшилаш орқали тўқима матолари сифатини оширишни каби масалаларни ҳал қилишда таниқли хорижий олимлар ўзларини катта ҳиссаларини қўшганлар, жумладан Abramaviciut J., Skenderi Z, Lisa A., (Туркия), Petrulyte S., Baltakyte R. (АҚШ), Wang F, Zhou X, You-lo hsieh (Хитой), З.А.Роговина, Дж.О.Варвикер, В.В.Кузьмин, Н.Г.Новиков, О.С.Кутепов, Г.Б.Дамьянов, Г.И.Линуаевалар (Россия) ва бошқалар.

Тўқувчилик технологияси, тўқималар тузилиши ва тўқима ишлаб чиқариш параметрларини оптималлаштириш, янги ассортиментдаги тукли тўқималарни яратиш ва тўқув дастгоҳларини такомиллаштиришга Ўзбек олимларидан Ўзбек олимларидан Е.Ш.Алимбаев, О.А.Ахунбобоев, А.Д.Даминов, Б.Х.Баймуратов, У.Т.Абдуллаев, С.С.Рахимходжаев, Б.К.Хасанов, А.М.Акрамов каби жуда кўп олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тукли тўқималарни янги ассортиментларини яратиш амалиётида қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармони.

Шу билан бирга тўқувчилик жараёнинг сезиларли ривожланишига қарамай, ҳал этилиши талаб қилинадиган кўп масала ва муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. Хусусан, сифатли тукли тўқималарни ишлаб чиқариш, тўқув дастгоҳини унумдорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишларининг режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Тукли тўқималарни ишлаб чиқаришда хомашё намлигини тўқувчилик жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш орқали тўқимани сифати ва маҳсулдорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тўқув дастгоҳида танда ипини намлигини ошириш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган ишланмаларни тадқиқ қилиш асосида танда ипини намлигини меъёрлаштириш;

тўқув дастгоҳида замин ва тук танда ипларини намланганлик даражасига қараб узиш кучини ўзгариш қонуниятларини тадқиқ этиш;

тўқув дастгоҳида замин ва тук танда ипларини намлаш жараёнидаги тезликларини нам ҳавони ҳайдаш тезлигига боғлиқлик графикларини қуриш;

олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмасини яратиш;

танда ипларини намлаш учун яратилган қурилмани конструктив ва технологик параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш;

тўқув дастгоҳидаги танда ва ҳалқа ипларини намлик даражасини аниқлашни автоматик усулини яратиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида тўқувчилик корхонасидаги тўқув дастгоҳи ва ундаги танда иплари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Тўқимачилик корхоналаридаги якка ва пишитилган иплар, тукли ўрилишли тўқима, тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмаси, тукли тўқимани олиш технологиясидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида қўйилган вазифаларни ечишда назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида тўқув технологияси, тўқимачилик материалшунослиги, тўқима тузилиш назарияси, назарий механика диссертациянинг умумий тадқиқот натижаларини олиш имконини берувчи назарий-тажрибавий ва амалий математика усуллари ҳамда компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тўқув дастгоҳида замин ва тук танда ипларини узилишини олдини олиш ва маҳсулот унумдорлигини ошириш учун бир меъёрда намлаб турувчи янги конструкциядаги қурилма яратилган;

яратилган танда ипларини намлаш қурилмаси ёрдамида тўқув дастгоҳида ҳаракатланаётган танда ипларини намлаш муҳитидаги ҳаво намлигини 80% - 85% га оширишга эришилган ҳамда намликни инобатга олган ҳолда танда

ипидаги толаларни ишқаланиш кучларини аниқловчи ҳисоблаш формуласи тавсия этилган;

янги яратилган танда ипларини намлаш қурилмасини қанча масофада жойлашиши, совутиш ҳарорати, ҳавони бериш тезликларини марказий нокомпозицион тажриба асосида оптимал параметрлари аниқланган;

замин ва тук танда ипларини намлигини назорат қилиш учун Flprog ўлчаш дастури ёрдамида ҳарорат ва намликни аниқловчи ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Замин ва ҳалқа танда иплари ҳаракат тезликларини ҳавонинг намлигига боғлиқлик графиклари қурилган. Тажриба натижалари замин танда ипини намлашда намлик 80% оралиғида тук танда ипини намлашда намлик 60 % ни таъминлаши учун ҳавони ҳайдаш тезлиги (0,5÷0,65) м/с оралиғида ҳамда замин танда ипини ҳаракатланиш тезлиги (15÷18) см/мин ва тук танда ипини ҳаракатланиш тезлиги (48÷45) см/мин оралиғида бўлиши тавсия этилган;

тўқув дастгоҳларида яратилган танда ипларини намлаш қурилмасини дастгоҳнинг унимдорлигига ва ипларнинг узилишсони камайиши аниқланган ва асосланган;

яратилган танда ипларни намлаш қурилмасида иплар жойлашган муҳитдаги ҳаво намлигини ўлчаш воситаси AtMega328 микропроцесори, ҳамда DHT22 датчиги ёрдамида лойиҳаланган;

танда ипларини намлаш қурилмасини ўлчов воситасини Flprog дастурлаш муҳити ёрдамида ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқилган ва дастурланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда келтирилган илмий хулосалар ва тавсиялар, назарий ҳамда экспериментал тадқиқот натижаларининг бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижаларни солиштириш, баҳолашга, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари, шунингдек, уларнинг кўриб чиқилаётган соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмаси ишлаб чиқилганлиги, тўқув дастгоҳидаги танда ипларини намлигини аниқлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилганлиги ва тўқув дастгоҳида танда иплари намлик кўрсаткичларини аниқ ўлчаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини асослаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўқув дастгоҳларида танда ипларини намлаш қурилмасини ишлаши ва тўқув дастгоҳида танда ипларини узилишлар сонини камайтириш, дастгоҳнинг унимдорлигини оширишни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Наманган вилоятидаги мавжуд кластерларга қаршли “Art Soft TEX” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикасини Ўзтўқимачиликсаноат уйишмасининг № 03/25-2428 сон маълумотномаси). Натижада янги яратилган тўқув дастгоҳидаги танда ипларини намлаш ҳисобига



дастгоҳда ип узилишлар сони камайган ва тўқимани сифати ошириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг абробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақолалар, жумладан 4 та республика ва 4 та чет эл илмий журналларида нашр этилган, 1 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахта толали халқа тукли тўқималарни олиш технологиясига хавони намлик даражасини таъсири”** деб номланган биринчи бобида Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тукли тўқима матолар турларини кўпайтириш ва улар сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида тукли тўқималарни ишлаб чиқаришда хомашё намликларини тўқувчилик жараёнида таъсирини тадқиқ қилиш ва таъсир этувчи омилларга оид адабиётлар таҳлил этилди. Бунда тукли тўқималарни олиш технологиясини таҳлили асосий омилларга оид илмий ишлар. Пахта ип таркибли целлюлозага турли эритмаларни таъсирини ўрганилган таҳлил қилинган адабиётлар. Ҳавонинг намлик параметрларини меъёрлаштириш ва уларнинг тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларига таъсири бағишланган ишланмалар. Тўқув дастгоҳларида танда ипларини узуклар сонини камайтириш имкониятлари бўйича адабиётлар таҳлил қилинган.

Адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида, асосан, тўқувчилик технологиясига оид илмий журналлар, монографиялар ва ўқув адабиётлари кўриб чиқилди. Шунингдек, диссертация мавзусига оид илмий тадқиқот ишлари, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ахборот-ресурс марказларида мавжуд диссертациялар, диссертация авторефератлари таҳлил этилди. Барча таҳлил этилган адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида, пахта

толали тукли тўқималарни олиш технологиясида хавони намлик даражаси таъсирини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар етарли даражада олиб борилмаганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилиб, ишнинг мақсади ва адабиётлар тахлили асосида тадқиқот вазифалари белгиланди.

Дисертациянинг “**Тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш технологиясини назарий асослари**” деб номланган иккинчи боб Тўқимачилик тола ва иплари сув ёки сув буғларини ютиши натижасида уларнинг физик-механик хоссалари ўзгаради, натижада материал массаси, мустаҳкамлиги ва бошқа хусусиятларига таъсир кўрсатади.

Қуйи ҳароратдаги ҳавода сув буғларининг таркиби қанчалик юқори бўлса, материал ўзига шунча кўп намлик ютади. Доимий ҳароратда материал мувозанат намлигининг ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқлиги изотермик ютилиш дейилади.

Толалар ютиш имкониятининг фарқланиши ҳаво нисбий намлигининг ҳамма оралиғида сақланади. Жун, ипак, селлюлозали толалар — пахта, зиғир, жут ўзига сув буғларини тез ютади. Синтетик толалар, жумладан, полиефир, полихлорвинил, полиакрилонитриллар намликни кам миқдорда ютади.


Тола ва ипларнинг сорбция имконияти макромолекулаларнинг жойлашишига, зичлигига ва ғовақлигига таъсир этади. Агар толанинг ички юзасидаги ғовақлик юзасининг йиғиндиси қанчалик катта бўлса, ютиш имконияти шунчалик юқори бўлади. Сув молекулалари полимер молекулалари бўшлиғига ютилиши натижасида, молекулалар орасидаги боғланишни сусайтиради, тола ва ипларнинг механик ва бошқа хусусиятларига таъсир этади.

Тўқув дастгоҳида танда ипларини намлигини мейёрлаштиришда ипларни сув,буғ ва совиқ буғ ҳолатда ўзига ютишини тадқиқ қилинди, тўқув дастгоҳидаги ҳаракатланаётган замин танда ва ҳалқа ипларини совиқ буғ ҳолатдаги намликни ўзига ютишини назарий ва тажрибалар асосида тадқиқ қилинди.

Намлаш қурилмасида танда иплари  $\vec{v}_1$  - замин танда ипининг ҳаракатланиш тезлиги, ҳамда  $\vec{v}_2$  – тук танда ипининг ҳаракатланиш тезлиги горизонтал йўналишда бўлади. Ҳавони ҳайдаш тезлиги вектори  $\vec{v}_1$  ва  $\vec{v}_2$  га  $\alpha$  бурчак остида таъсир қилади. Бунда намлик мумкин қадар ип толалари орасига чуқурроқ ва тўлароқ кириб бориши учун  $\alpha$  бурчаги  $\vec{v}_1$  ва  $\vec{v}_2$  лар йўналишлари 1-расмда тезликлар векторлари танда иплар ва ҳаво ҳайдаш бўйича жойлашгани кўрсатилган. Қурилган схемага асосан қуйидаги вектор тенгламаларни ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} \vec{v}_1 + \vec{v}_x &= \vec{v}_{1x} \\ \vec{v}_2 + \vec{v}_x &= \vec{v}_{2x} \end{aligned} \quad (1)$$

Олинган (1) ва мос вектор учбурчаклари тасвирига асосан таъкидлаш керакки, замин танда ипларини тезлиги тук танда ипи тезлигидан каттароқдир.



1–расм. Замин танда ва тук танда иплари ҳаракат тезлиги векторлари ва ҳавони ҳайдаш тезлиги векторлари учбурчаклари схемаси.

Замин танда ипи ва тук танда иплари ҳаракат векторларини  $\bar{v}_x$  ни таъсиридан фойдаланиб аниқланади;

$\Delta ABC$  га асосан;

$$V_{1x} = \sqrt{V_1^2 + V_x^2 - 2V_1V_x \cos x} \quad (2)$$

$\Delta DEF$  га асосан;

$$V_{2x} = \sqrt{V_2^2 + V_x^2 - 2V_2V_x \cos x} \quad (3)$$

Мос равишда ҳавони ҳайдаш тезлигини  $\bar{v}_1$  ва  $\bar{v}_2$  йўналишидаги проекцияси;

$$V_x^1 = V_x \cos x \quad (4)$$

Бунда замин ва тук танда ипларини ҳаракатидаги тезликлари;

$$V_1^1 = V_1 - V_x \cos x$$

$$V_2^1 = V_2 - V_x \cos x \quad (5)$$

Танда ипларини ҳаракат йўналишидаги тезликлари нисбатини қуйидагича ёзиб оламиз;

$$\begin{aligned} \Delta V_1 &= V_1 - V_1^1 = V_x \cos x \\ \Delta V_2 &= V_2 - V_2^1 = V_x \cos x \end{aligned} \quad (6)$$

Маълумки, ҳавони ҳайдаш бироз танда ипларини ҳаракатини секинлаштиради ва бунда ип толаларини намланиш жараёнини интенсивлаштиради. Демак, тезликларни пропорционал ҳолда бўлиши танда ипларини намланиш даражасига пропорционал бўлади. Шунинг учун ипларни намлашда тезликларни камайтиришни белгилловчи пропорционаллик коэффициентини киритамиз:

$$K_{V1} = \frac{\Delta V_1}{V_1}; K_{V2} = \frac{\Delta V_2}{V_2} \quad (7)$$

Тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра 80% нам ҳавони ҳайдалганда замин танда ипини намланиши 12% ни ташкил этган, 60% ли нам ҳавони ҳайдалганда ип 10% намланган.

Демак намланиш даражаси; бунда, тезликларни инобатга олиб намланиш даражасини аниқловчи коэффициентни ҳисоблаш ифодасини олиш мумкин:

$$\eta_1 = \frac{n_1^1 \cdot K_{v1}}{n_1}; \eta_2 = \frac{n_2^1 \cdot K_{v2}}{n_2}; \quad (8)$$

Бу ерда,  $n_1, n_2$ -замин ва тук танда ипларига юбориладиган ҳавонинг намлиги;

$n_1^1$  ва  $n_2^1$ -замин ва тук танда ипларининг намлиги.

Тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра танда ипларини намланиш натижасида ишқаланиш ва узиш кучи 8,0% ва 12% дан ортганда  $F_{иш}$  ва  $F_{узиш}$  кучлари камайиб боради. Шунинг учун танда ипларини намлаш жараёнидаги толалар орасидаги ишқаланиш коэффициенти намлашни бошланғич қисмида ортиб боришини ва намланиш даражаси 8,0% ва 12%дан ортганда камайишини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\begin{aligned} F_{1иш} &= [(f_1 + f_2 + \dots + f_i) + f_1^1(\eta_1 - 0,2)] \cdot N \\ F_{2иш} &= [(f_1 + f_2 + \dots + f_i) + f_2^1(\eta_2 - 0,15)] \cdot N \end{aligned} \quad (9)$$

Бу ерда,  $n_1$  ва  $n_2$  –коэффициент қийматлари (2.8) формула орқали белгиланади. Шунда уларнинг чегаравий 0,2 ва 0,15 қийматлари мос равишда 8

% ва 12 %га мос равишда ҳисоб қийматлари белгиланади. Бунда қуйидаги ифодаларни ҳосил қиламиз:


$$F_{1 \text{ иш}} = [(f_1 + f_2 + \dots + f_i) + f_1^1 \left( \frac{n_1^1 \cdot K_{v1}}{n_1} - 2,0 \right)] \cdot N$$

$$F_{2 \text{ иш}} = [(f_1 + f_2 + \dots + f_i) + f_2^1 \left( \frac{n_2^1 \cdot K_{v2}}{n_2} - 1,5 \right)] \cdot N \quad (10)$$

Бу ерда,  $f_1'$  ва  $f_2'$ -танда ипларини намлаш натижасидаги ишқаланиш коэффиценти ортишини белгиловчи қийматлари.

Олинган (8) ифодаларини сонли ечимларини амалга ошириши натижасида намланиш даражасида боғлиқлик графиклари қурилади (2 - расмда келтирилган). Графиклар таҳлили шуни кўрсатадики танда ипларини намлашда ҳаво намлиги мос равишда 85% гача орттирилганда замин танда ипидаги ишқаланиш кучи, босим  $N = 55 \text{ сН}$  бўлганида  $0,62 \cdot 10^2 \text{ сН}$  дан  $1,46 \cdot 10^2 \text{ сН}$  гача ортса, тук танда ипида ишқаланиш кучи  $0,81 \cdot 10^2 \text{ сН}$  гача ортиб боради. Таъкидлаш лозимки  $n_1$  қиймати 80% дан ортганида  $F_1$  иш кучи камаяди, мос равишда ҳаво намлиги 60% га ортиши билан  $F_2$  иш кучи ҳам кескин камайиши кузатилди. Маълумки, танда ипларидаги ишқаланиш кучи ипнинг мустақамлигини белгилайди. Шунинг учун тавсия қийматлари:  $n_1 \leq (75 \div 85)\%$ ;  $n_2 \leq (55 \div 65)\%$ . Бунда  $F_{1 \text{ иш}} \geq (1,3 \div 1,5) \cdot 10^2 \text{ сН}$  ва  $F_{2 \text{ иш}} \geq (0,84 \div 0,89) \cdot 10^2 \text{ сН}$  бўлиши таъминланади.

1 ва 4 да  $N 55 \text{ сН}$ ; 2 ва 5 да  $N 45 \text{ сН}$ ; 3 ва 6 да  $N 35 \text{ сН}$ ;



2-расм. Тўқув дастгоҳида замин ва тук танда иплардаги намлигида ишқаланиш кучларини ўзгаришини намлаш даражасига боғлиқлик графиги.

Кучларни мувозанат шарти

$$\bar{T} + \bar{F}_{\text{иш}} + \bar{F}_k = \bar{F}_y = 0 \quad (11)$$

Бу ерда,  $F_{\text{иш}}$ -ишқаланиш кучи,  $F_k$ -қайишқоқлик кучи;  $\bar{T}$ -таранглик кучи;  $F_y$ -тортишиш ёки узиш кучи.

Мос равишда қайишқоқлик кучи  $[\bar{T}]$ га асосан

$$F_k = C \cdot \Delta l \quad (12)$$


Бу ерда;  $C$ -ипни бикрлик коэффиценти,  $\Delta l$ -ипни чўзилишидаги деформация қиймати;

Юқорида келтирилгани (8) формулани инобатга олиб, танда ипларини узиш кучларини ҳисоблаш ифодалари ҳосил қилинади.

$$F_{1y3} = C_1 \Delta \ell_1 + T_1 + [(f_1 + f_2 + \dots + f_i) + f_1^1 \left( \frac{n_1^1 \cdot K_{v1}}{n_1} - 2,0 \right)]$$

$$F_{2y3} = C_2 \Delta \ell_2 + T_2 + [(f_1 + f_2 + \dots + f_i) + f_2^1 \left( \frac{n_2^1 \cdot K_{v2}}{n_2} - 1,5 \right)] \quad (13)$$

Олинган (13)дан фойдаланиб тўқув дастгоҳида замин ва тук танда ипларини намланганида узиш кучларини ҳисоблаш натижасида  $F_{1y3} \geq (2,8 \div 3,4) \cdot 10^2 \text{ cH}$  ва  $F_{2y3} = (2,3 \div 2,48) \cdot 10^2 \text{ cH}$  оралиғида бўлиши аниқланди. Уларни қурилган боғланиш графикларида ҳам кўриш мумкин.



**3-рассм. Тўқув дастгоҳида замин ва тук танда ипларини намланиш ва узиш кучлари орасидаги боғланиш графиги**

$$1 - F_{1y3} = f(n_1); 2 - F_{2y3}f(n_2);$$

Тўқув дастгоҳида замин ва тук танда ипларини намланганлик даражасига қараб узиш кучини ўзгариш қонуниятлари графиклар тузилишига кўра, замин танда ипидаги максимал узиш кучи А нуқтада намлик  $W_1=80\%$  бўлганида  $34,5 \text{ cH}$  га тенг бўлса, тук танда ипи учун В нуқтада бўлиши,  $W_2=60\%$  да максимал узиш кучи  $24,6 \text{ cH}$  ни ташкил этади (3-рассм).

### **Танда ипларини намлаш қурилмаси кўрсаткичларини математик модел асосида назарий тадқиқ этиш**

Таъсир этувчи омиллар сифатида кирувчи омиллар  $x_1$ - қурилмага берилаётган ҳаво ҳажми  $\text{мм}^3$   $x_2$  – намлаш қурилмаси билан танда ипларини оралиқ масофаси,  $\text{мм}$ ,  $x_3$  – намлашдаги ҳаво ҳарорати  $^{\circ}\text{C}$ , кўрсаткичлари олинган. Чикувчи омил сифатида  $Y_1$ –Тўқув дастгоҳида танда ипларини узилиш сони (дона), олинган.

ТОТ натижаларидан маълум бўлдики, ўрганилаётган жараён юқорида даражали тенглама билан ифодаланади. Шунинг учун иккинчи даражали регрессион математик модели олиш учун, бошқа усулларга нисбатан бирмунча соддароқ ва қулай, ҳамда пахта саноати технологик жараёнлари тадқиқотларида кенг қўлланилаётган марказий нокомпозицион тажриба (МНКТ) танланди ва амалга оширилди.

Тажриба натижаларидан келиб чиқиб, иккинчи даражали регрессион кўп омилли математик моделни қидирамиз. Ушбу тажриба натижасида қуйидаги умумий кўринишдаги регрессион моделни олиш мумкин:

$$Y_R = b_0 + \sum_{i=1}^M b_i x_i + \sum_{\substack{i=j=1 \\ j \neq 1}}^n b_{ij} x_i x_j + \sum_{i=1}^M b_{ii} x_i^2$$

Ёки тажрибамизда учта омил қатнашаётгани учун юқоридаги ифода қуйидаги кўриниш олади:


$$Y_R = b_0 + b_1 x_1 + b_2 x_2 + b_3 x_3 + b_{12} x_1 x_2 + b_{13} x_1 x_3 + b_{23} x_2 x_3 + b_{11} x_1^2 + b_{22} x_2^2 + b_{33} x_3^2$$

Тенгламада  $b_0 \dots b_{1\dots}$  – регрессия коэффициентлари,

$x_1, x_2, x_3$  – омилларнинг кодланган қиймати.

Тадқиқот учун чиқиш параметрининг хусусиятларини аниқлаш учун тузилган тенглама уч ўлчовли бўлгани учун, таҳлилдаги кириш омилларидан бири  $X_i = 0$  (марказий ҳолат) деб қабул қилинади ва биз икки ўлчовли графикни моделларни 3 та тенгламага ўзгартириш йўли билан тузамиз.

Тўқув дастгоҳида танда ипларини узилиш сони  $Y_1$ -гини бўйича регрессион моделларни Танда ипларини узилишлар сони ( $x_3=0$ ) бўлгандаги тенглама қайта ёзиб оламиз.




**4-расм. Танда ипларини узилиш сони бўйича регрессион моделлини қурилмага берилаётган хаво ҳажми ва намлаш қурилмаси билан танда ипларини оралик масофасига боғлиқлик графиги**

4-расмдаги графикдан кўриниб турибдики, кирувчи иккинчи ( $x_1$ ) ва учинчи ( $x_2$ ) омилларнинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва биринчи омил  $x_3 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) тўқув дастгоҳида танда ипларини узилишлар сони бўйича қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб Тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмасида  $x_1$ - қурилмага берилаётган хаво ҳажми ( $\text{мм}^3$ )  $2 \cdot 10^{-2} \div 7.5 \cdot 10^{-2}$  ораликларда ва  $x_2$  – намлаш қурилмаси билан танда ипларини оралик масофаси, (мм)  $20 \div 40$  ораликдаги қийматларида ( $Y_1$ ) тўқув дастгоҳида танда ипларини узилишлар сони графиги таъсирланган. Бунда қурилмага берилаётган хаво ҳажми  $7.5 \cdot 10^{-2} \text{ мм}^3$  да ва намлаш қурилмаси билан танда

ипларини оралик масофаси 40 мм бўлганда тўқув дастгоҳидаги танда ипларини узилиш сони энг кам қийматларига эришмоқда.


Тўқув дастгоҳида танда ипларини узилиш сони  $Y_1$ -гини бўйича регрессион моделларни қурилмага берилаётган ҳаво ҳажмини  $7.5 \cdot 10^{-2} \text{ мм}^3 (x_1=0)$  ўртача ҳолат бўлгандаги тенглама қайта ёзиб оламиз.



**5-расм. Тўқув дастгоҳларида танда ипларини узилиш сони бўйича регрессион моделлини намлаш қурилмаси билан танда ипларини оралик масофаси ва намлашдаги ҳаво ҳарорати билан боғлиқлик графиги**

5-расмдаги графикдан кўришиб турибдики, кирувчи биринчи ( $x_3$ ) ва учинчи ( $x_2$ ) омилларнинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва иккинчи омил  $x_1 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) тўқув дастгоҳларида танда ипларини узилиш сони бўйича қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб Тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмасини  $x_2$  – намлаш қурилмаси билан танда ипларини оралик масофаси, (мм) 20÷40 ораликдаги қийматларида,  $x_3$  - намлашдаги ҳаво ҳарорати ( $^{\circ}\text{C}$ ) 10÷15 ораликларда ва ( $Y_1$ ) тўқув дастгоҳида танда ипларини узилиш сони энг паст қийматларига эришмоқда.

Тўқув дастгоҳларида танда ипларини узилиш сони бўйича  $Y_1$ -гини бўйича регрессион моделларни намлаш қурилмаси билан танда ипларини оралик масофаси, (мм) ( $x_2=0$ ) ўртача ҳолат бўлгандаги тенглама қайта ёзиб оламиз.



**6-расм. Тўқув дастгоҳида танда ипларини узилишлар сони бўйича регрессион қурилмага берилаётган ҳаво ҳажми ва намлашдаги ҳаво ҳароратига боғлиқлик графиги.**


6-расмдаги графикдан кўриниб турибдики, кирувчи биринчи ( $x_1$ ) ва иккинчи ( $x_3$ ) омилларнинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва учинчи омил  $x_2 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) тўқув дастгоҳида танда ипларини узилишлар сони бўйича қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмасининг  $x_1$ -қурилмага берилаётган ҳаво ҳажми  $\text{мм}^3$ ,  $2 \cdot 10^{-2} \div 7.5 \cdot 10^{-2}$  оралиқ қийматларида  $x_3$  – намлашдаги ҳаво ҳарорати  $10 \div 15$  оралиқларда ва ( $Y_1$ ) тўқув дастгоҳида танда иплар узилиш сони энг кичик қийматларига эришмоқда.

Диссертациянинг «Пахта толали ип ва тўқимачилик маҳсулотларининг технологик ўтимларда нисбий намликнинг ўзгариши динамикасини тадқиқи» номли 3-бобда Тўқимачилик толалари ва улардан тайёрланган ярим ва тайёр маҳсулотлар сув буғини ўзига сингдириш (сорбция) хоссалари ва тўқув жараёнидаги ипларининг намлик таъсирида физик-механик хоссаларини ўзгариши тадқиқ қилинди.


Тадқиқотлар “MRT текстил”, “ANTEKS GROUP МЧЖ”, “ART SOFT TEKS МЧЖ” ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилди ва тўқув дастгоҳида ҳаракатланаётган танда ипларини намлаш қурилмаси яратилди Олинган натижалар жадвал ва график кўринишлариги келтирилган.

Ярим тайёр маҳсулотлар ва ипларнинг механик хусусиятларига намликнинг таъсирини батафсил ўрганиш учун биз “FT-TEXTILE” МЧЖ да пеневмомеханик йиғириш усулида ишлаб чиқариш шароитларида  $T=29$  текс пахта толали ипини ва “MRT textile” МЧЖ дан халқали йиғириш усулида ишлаб чиқариш шароитларида  $T=29$  текс пахта толали ипини “FT-TEXTILE” МЧЖ корхонасини мавжуд замонавий лабараториясида тажрибалар ўтказилди.

Бизга маълумки, стандарт бўйича  $T=29$  текс ипи нормал атмосфера шароитида  $W=8\%$  намликка эга. Шунга асосланиб, пахта ипи намуналари турли хил атмосфера шароитларида паст намликда  $W1=4\%$  ва юқори намликда ҳам  $W10=13\%$  сақланди. Намликнинг қадам ўзгариши  $1\%$  ни ташкил этди. Муайян шароитларда, паст ёки юқори намлик ҳароратида пахта иплари намуналарининг ҳар бир таъсирдан сўнг ГОСТ 3813-72- Тўқимачилик материаллари. Матолар ва



7-расм. Намликнинг ўзгаришига қараб ипнинг нисбий узилиш кучининг (Rkm) ўзгариши.




8-расм. Намликнинг ўзгаришига қараб ипнинг узилиш кучининг (сN) ўзгариши.



донали буюмлар бўйича синовлар ўтказилди. Пахта ипининг механик хоссаларини аниқлаш учун Uster Tenzojet-4 (Швейцария) қурилмаси ишлатилди ва натижалар диаграмма кўринишида қайд этилди.

7-расмдаги графикдан шуни кўришимиз мумкинки  $T=29$  номердаги пневмомеханик ва ҳалқали усулда йиғириб олинган пахта ипининг нисбий намлиги  $W=4\%$  дан  $W=11\%$  гача нисбий узиш кучи ораликда ўсиб боришини кузатишимиз мумкин,  $W=13\%$  намлик даврида ипнинг узиш кучида (сN/тек) пасайди, бунда ипнинг намлиги ҳаддан зиёд юқори бўлиши ипга салбий таъсир этиши мумкин. Демак, меъёрланган намлик  $W=11\%-12\%$  кўрсаткичларига эришган ҳолда ишлаш тавсия этилади.

8-расмдаги графикдан шуни кўришимиз мумкинки  $T=29$  номердаги пневмомеханик ва ҳалқали усулда йиғириб олинган пахта ипининг нисбий намлиги  $W=4\%$  дан  $W=11\%$  гача узиш кучи оралиғида ўсиб боришини кузатишимиз мумкин,  $W=13\%$  намлик даврида ипнинг узиш кучида (сN) пасайди, бунда ипнинг намлиги ҳаддан зиёд юқори бўлиши ипга салбий таъсир этиши мумкин. Демак меъёрланган намлик  $W=10\% -11\% -12\%$  кўрсаткичларига эришган ҳолда ишлаш тавсия этилади.



9-расм. Намликнинг ўзгаришига қараб ипнинг узилишдаги (ξ) узаишнинг ўзгариши

9-расмдаги графикдан шуни кўришимиз мумкинки  $T=29$  текс чизқли зичликдаги пневмомеханик ва ҳалқали усулда йиғириб олинган пахта ипининг нисбий намлиги  $W=4\%$  дан  $W=12\%$  гача узилишдаги узаиши ўсиб боради,  $W=13\%$  намлик даврида ипнинг узилишдаги узаишида (ξ %) пасайди, бунда ипнинг намлиги ҳаддан зиёд юқори бўлиши ипга салбий таъсир этиши мумкин. Демак меъёрланган намлик  $W=10\% -11\% -12\%$  кўрсаткичларига эришган ҳолда ишлаш тавсия этилади.


Тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмаси Наманган муҳандислик-технологияси институтида лойиҳаланди ва Наманган шаҳрида жойлашган “ART SOFT TEKS” МЧЖ қорхонасида дастлабки синов тажрибалар ўтказилди. Тўқув дастгоҳида танда ипларини намлаш қурилмаси, тўқув дастгоҳидаги танда ипларининг намлик кўрсаткичи уларнинг узилишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, баъзан тўқув дастгоҳининг узок муддат тўхтаб қолишига олиб келади.

Йиғирилган ипларнинг нисбий намлик кўрсаткичи 8% ни ташкил этади. Танда иплари тўқув дастгоҳига келишидан олдин, тандалаш, оҳорлаш каби бир

қатор ишлов бериш жараёнларидан ўтади. Ушбу жараёнлардан ўтиш вақтида танда иплари иссиқлик билан ишлов берилади, бу уларнинг намлигини пасайишига олиб келади.

### Тавсия этилаётган қурилманинг ишлаш принципи

Тўқув дастгоҳини ишлаш жараёнида танда иплари 2 тўқув ғалтаги 1 дан бўшаб чиқади ва скало 3 ни эгиб ўтиб мослама (5) даги мис трубка 4 устидан ўтади, фреон трубка 4 ни совутади ва совуқ хавони танда 2 иплар юзасида нисбий намлик муҳитига нисбатан, юқори нисбий намлик ҳосил қилади. Нам ҳаво мослама 5 даги трубка 4 да ҳаво ва конденсаторни бириктириши натижасида ҳосил бўлади. Намланган танда иплари ламел 6 ва шода ромлари 7 гулалари 8 дан ўтади. Гулалар 8 дан ўтган танда иплари шода ромларини галма гал кўтарилиб ва тушиш натижасида ҳомуза ҳосил бўлади, ушбу ҳомузага арқоқ ипи 9 га ташланади. Батан 11 механизмини илгариланма қайтма ҳаракати натижасида тиг 10 ўнг тамонга ҳаракатланишида арқоқ ипини тўқима чети 12 га жипслаштиради ва чап тамонга ҳаракатланиб қайтади. Ҳосил бўлган тўқимага тўқима регулятори ҳаракат бериб гуридница 13 ва валиян 14 ларни эгиб ўтиб тўқима валиги 15 га ўралади.



10-расм. Таклиф этилаётган намлаш қурилмасини тўқув дастгоҳида жойлашиши

1. Тўқув ғалтаги.
2. Танда ипи.
3. Скало.
4. Мис қувурчалар.
5. Намлаш қурилмаси.
6. Ламел.
7. Шода рамкаси.
8. Матонинг чети.
9. Грудница.
10. Тўқимани тортувчи вал.
11. Тўқима валиги.

